

Hamidulla A. AMINOV,
*Candidate of Historical Sciences,
Senior researcher of the Institute of Oriental Studies
named after Abu Rayhan Biruni of the Academy of
Sciences of the Republic of Uzbekistan.
Mirzo Ulugbek str. 79, 100170, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: beruni1@academy.uz*

“АЛ-ФИҚХ АЛ-АКБАР”НИНГ МУАЛЛИФИ МАСАЛАСИ

ВОПРОС АВТОРСТВА “АЛЬ-ФИХ АЛЬ-АКБАР”

THE ISSUE OF THE AUTHOR OF AL-FIQH AL-AKBAR

КИРИШ

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит ал-Кўфий (80/699–150/767), аслида, фақих бўлишига ҳамда бутун умри давомида, асосан, фикҳ илми билан шуғулланганига қарамасдан, бизгача ақидавий мавзулардаги асарлари ҳам етиб келгани, “ал-Васийят” каби энг охирги асарлари ҳам ушбу мавзуда эканлиги ақида илмининг ўз замонаси учун ҳам, кейинги замонлар учун ҳам не чоғли муҳимлигини кўрсатади. Шофеъийлик мазҳабининг мужтаҳид олими Мухаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (150/767–204/820) “Барча одамлар қалом илмида Абу Ҳанифага боғлангандир”, деб бежиз айтмаган эди (Ибн Халликон, 1994:255). Бинобарин, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ёзиг қолдирган “Ал-Фиқҳ ал-акбар” асари барча даврларнинг ақида бўйича энг эътиборли ва энг аҳамиятли манбалардан бири бўлиб қолаверади.

Замонавий тадқиқотларда “Ал-Фиқҳ ал-акбар” Имоми Аъзам Абу Ҳанифа томонидан ёзилмаган деган фикр учраб туради. Бу фикр, асосан, A.J.Wensinck ҳамда Givony Jozeph, Joseph Schacht, Brannon M. Wheeler, Ulrich Rudolph ва уларга эргашган мусулмон тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган. Ушбу фикрларга умумий назар солинса, улар “Ал-Фиқҳ ал-акбар”да кўтариленганинг айрим масалалар Имоми Аъзам Абу Ҳанифа даврида оммалашмаган бўлгани сабабидан айтилган. Бирор оммалашмаган дейилган мазкур масалалар ўша давр муткаллим ва муаллифлари

томонидан ҳам кўтариленганига, шунингдек, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ўз даврида мўътазилий, хавориж каби оқимлар вакиллари билан баҳс-мунозаралар олиб борганига кам эътибор қаратилган.

Ибн Қутайба (213/828–276/889) томонидан битилган “ал-Ихтилоф фи-л-лафз” асари ҳамда Абу Жаъфар Аҳмад ат-Таховий (239/853–321/933) томонидан битилган “ал-Ақидат ат-таҳовия” деган ном билан шуҳрат қозонган “Баён ас-суннат” асари кабиларга қаралса, шунингдек, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа даврида яшаган муткаллимларнинг илмий фаолияти ва меросига назар солинса, “Ал-Фиқҳ ал-акбар”да кўтариленганини ҳам кўтариленганини ва унда ишлатилган атама ва истилоҳлар буларда ҳам қўлланилганини кўриш мумкин.

Демак, “Ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг ҳанафий мазҳаби муассиси, мужтаҳид олим Имоми Аъзам Абу Ҳанифага тегишли эканлигини очиқ-ойдин исботлаш максадга мувофиқдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Ал-Фиқҳ ал-акбар” асари Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (80/699–150/767) қаламига мансуб эканига бир қанча далиллар мавжуд. Мазкур мужтаҳид олимнинг “Ал-Фиқҳ ал-акбар” номли асари бўлганига Мусулмон Шарқи шак-шубҳа билдирилган эмас. Уни ҳанафий олимлари ҳам, бошқа мазҳаб вакиллари ҳам Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ўзи ёзган асар сифатида қайд қилиб келганлар:

Абу Мансур Абдулқоҳир ал-Бағдодий (ваф. 429/1037) “ал-Фарқ байн ал-фирақ” ҳамда “Усул ад-дин” номли китобларида олимнинг “ар-Радд ѡала-л-қадария” асарининг номи айни “Ал-Фиқҳ ал-акбар” эканини айтиб ўтган. (ал-Бағдодий, 1988:314; ал-Бағдодий, 1928:308)

Хожи Халифа (1017/1609–1067/1657) “Кашф аз-зунун”да бу асарнинг ровийиси Исмоил ибн Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа (ваф. 212/827) (К. Чалабий, 1941:410).

Таниқли адид Ибн ан-Надим (ваф. 438/1047) ўзининг айнан био-библиографик китоби – “ал-Фиқҳист”да унинг мазкур “Ал-Фиқҳ ал-акбар” асари ҳамда “ар-Рисола ила-л-Баттий”, “ал-Олим ва-л-мутааллим”, “ар-Радд ѡала-л-қадария” асарлари борлигини қайд қилган (Ибн ан-Надим, 1971:256).

Садрулислом Абулюср Муҳаммад ал-Паздавий (421/1609–493/1100) “Усул ад-дин” асарида: “Бизгача Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг

Аннотация: Мақола мусулмон оламида шұхрат қозонған, ақидага оид “ал-Фиқұ ал-акбар” асарининг ҳанафийлик мазхаби асосчиси Абу Ҳанифа Нұйман ибн Сабит ал-Күфи (80-150 ҳ./699-767 м.) томонидан шахсан ёзилған ёки ёзилмaganини аниқлашы басылланған. Мақолада ёзма манбалар асосида мазкүр асарнинг унга тегишилиги аниқланған.

Шарқшунос олимлардан A.J.Wensinck, Givony Jozeph, Joseph Schacht, Brannon M. Wheeler, Ulrich Rudolph ва бошқаларнинг “ал-Фиқұ ал-акбар” Абу Ҳанифа давридан кейин ёзилған, деган шубҳаларига мақолада жағоблар берилған. Шиблий Нұймоний ва Муфтый Азизурраҳмон каби мусулмон тақдіқотчилар ҳам ушбу шубҳаларни айттышынан жағынан да жағиғаттандырылған. Шунингдек, мақолада иккинчи Абу Ҳанифа деган номни олган Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий деган шахс “ал-Фиқұ ал-акбар”нинг ҳақиқиятты мұаллифи болып, деган фикрнинг хато эканы исботлаб берилған.

Мақолада “ал-Фиқұ ал-акбар”нинг мұаллиғгача етган ривоят силсиласи (санад) тұжрысында ҳам сүз юритилған. Үмуман олғанда, мақолада Абу Ҳанифа даврида калом илми ва ақидада күріб чиқылған масалалар айнан “ал-Фиқұ ал-акбар”га киритилгани, бу борадаги шубҳалар ўртасынан эканы далиллар асосида очиб берилді. “ал-Фиқұ ал-акбар” ҳақиқаттан ҳам Абу Ҳанифага тегишили асар эканы ойдинлаштирилди.

Калит сұздар: фиқұ, ақида, калом илми, шарқшуностар, жағынан (модда, материя, атом, эссенция), араз (аксидентия, симптом), мұтазилий, хавориж, қадарий, муржисий, каромат, санад.

Аннотация: Статья посвящена подтверждению или опровержению факта авторства известного в исламском мире основоположника ханафитской школы Абу Ханифа Нуьман ибн Сабит аль-Куфи (80-150 хиджры / 699-767 гг. н.э.) по написанию произведения относящегося к вероубеждению «Ал-Фиқұ ал-акбар». В статье идентифицируются произведения на основании письменных источников.

Статья отвечает на сомнения востоковедов А.Дж. Венсингка, Гивони Джозефа, Джозефа Шахта, Браннона М. Уиллера, Ульриха Рудольфа и других в том, что «Аль-Фиқұ ал-акбар» был написан после времен Абу Ханифы. Исламские ученые, такие как Шибли Ну'ман и муфтый Азизуррахман, также подтвердили эти сомнения. Статья также доказывает, что гипотеза о том, что Мухаммад ибн Юсуф аль-Бухари, известный как второй Абу Ханифа, является настоящим автором «аль-Фиқұ ал-акбар», ошибочна.

В статье также упоминается цепочка передатчиков повествований «аль-Фиқұ ал-акбара» до автора. В целом, статья показывает на основе доказательств, что вопросы, обсуждавшиеся в теологии и вероисповедании во времена Абу Ханифы, были включены в «аль-Фиқұ ал-Акбар», и что сомнения в этом отношении были необоснованными. Было уточнено, что «Аль-Фиқұ ал-Акбар» действительно принадлежит авторству Абу Ханифы.

Ключевые слова: фиқұ, ақида, теология, востоковеды, руда (материя, материя, атом, сущность), араз (случайность, симптом), мутазилий, хавориж, қадарий, мурджи, каромат, санад.

Abstract: The article is devoted to determining whether Abu Hanifa Numan ibn Thabit al-Kufi (80-150 AH / 699-767 AD), the founder of the Hanafi school of thought, wrote al-Fiqh al-Akbar, a well-known work in the Muslim world. The article identifies the book based on written sources.

The article answers the doubts of orientalists A.J. Wensinck, Givony Joseph, Joseph Schacht, Brannon M. Wheeler, Ulrich Rudolph, and others that al-Fiqh al-Akbar was written after the time of Abu Hanifa. Muslim scholars such as Shibli Nu'mani and Mufti Azizurrahman have also confirmed these doubts. The article also proves that it is a mistake to think that Muhammad ibn Yusuf al-Bukhari, the second Abu Hanifa, is the real author of al-Fiqh al-Akbar.

The article also mentions a series (sanad) of narrations (rivayah) from al-Fiqh al-Akbar to the author. In general, the article reveals based on evidence that the issues discussed in the science of kalam (theology) and the aqeedah during the time of Abu Hanifa were included in al-Fiqh al-Akbar; and that the doubts in this regard were unfounded. It has been clarified that al-Fiqh al-Akbar is indeed a work by Abu Hanifa.

Keywords: fiqh, aqeedah, kalam, orientalists, ore (matter, atom, essence), araz (accident, symptom), mu'tazilite, khawarij, qadari, murji, karamah, sanad.

“ал-Олим ва-л-мутааллим” ва “Ал-Фиқұ ал-акбар” китоблари етиб келған”, деб ёзған (ал-Паздавий, 2003:15). “Фихрист” асарида Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг факат “Ал-Фиқұ ал-акбар” асари тилга олинған, “Ал-Фиқұ ал-абсат”нинг номи эса, зикр қилинмаган. Бирок ундан олдин ёзилған “ал-Фарқ

байн ал-фирак” да “Ал-Фиқұ ал-акбар” билан биргә яна бир рисола тилга олинған. Уни: “Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг аҳли суннатнинг: “Иститоат (куч-қудрат) феъл билан биргә бўлади”, деган гапини қўллаб-қувватлаш мақсадида имло қилдирган яна бир рисоласи бор”, деб таърифлаган (ал-Боғдодий,

1988:314). “Иститоат (куч-кудраг) феъл билан бирга бўлади”, деган масала “Ал-Фиқҳ ал-акбар”да кўриб чиқилмаган, балки у ҳақида “Ал-Фиқҳ ал-абсат”да батағсил сўз юритилган. Демак, “ал-Фарқ байн ал-фиқр” ёзилган даврларда ҳанафий олимлардан бошқаларга ҳам Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг гарчи номи маълум бўлмаса-да, “Ал-Фиқҳ ал-абсат” асарининг мазмуни маълум бўлган ва у “Ал-Фиқҳ ал-акбар”дан бошқа бир рисола экани ҳам аён бўлган.

Мазкур “Ал-Фиқҳ ал-абсат” асари “Имоми Аъзам Абу Ҳанифадан фиқхи акбар ҳақида сўрадим”, деб бошлангани учун “Иккинчи Ал-Фиқҳ ал-акбар” ҳам дейилади. Шунинг учун, табакот ва таржимаи ҳолга бағишиланган асарларда Абу Мутеъ ал-Балхий “ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг ровийси сифатида кўрсатилган бўлиши мумкин. Айтгани ямиздек, у зот айнан “ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг ровийси эмас, балки унинг иккинчи варианти деб қаралаётган “ал-Фиқҳ ал-абсат”нинг ровийсидир.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ақидага доир асарлари орасида энг ишончлиси “ал-Фиқҳ ал-акбар” бўлиб, унда ҳанафийлик ва мотуридийликнинг энг асосий ақидалари ёритилган. Шунинг учун, ҳанафийлар ва мотуридийлар кўпроқ яшайдиган қадим Мовароуннаҳр, Онадўли, Ҳинд-Синд ўлкаларида, Суря томонлардаги ҳанафийлар орасида ҳозиргача мазкур асар тўлиғича мукаммал ва муфассал равишда ўқитилади. мадрасаларнинг асосий ўқув қўлланмалари қаторида туради, талабалар уни бошдан-оёқ ёд оладилар. Бироқ, бу юргларда Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг бошқа ақидавий асарлари оммалашмаган, ҳатто айrim аҳли илмлар уларнинг борлиги ҳақида маълумотларга ҳам эга эмаслар. У зотнинг васиятномалари тўғрисида билганлар ҳам, унинг “ал-Фиқҳ ал-абсат” асари борлигини айтмайдилар. Мазкур “ал-Фиқҳ ал-абсат” асарининг бирорта, биргина ҳам кўлёзма нусхасининг Ўзбекистонда, ва айтиш ўринлики, бутун Марказий Осиё қўлёзмалар жамғармаларида йўқлиги ҳам буни тасдиқлайди. Шу билан бирга, асрлар давомида “Ал-Фиқҳ ал-акбар” ўнлаб шарҳлар битилгани ҳолда “ал-Фиқҳ ал-абсат”га фақат битта шарҳ ёзилгани маълум. Унинг ҳам бўлса, асл муаллифи баҳсли ҳисобланади. Чунки мазкур “ал-Фиқҳ ал-абсат”га битилган шарҳ Абу Мансур ал-Мотуридийга янгиш равишида нисбат килиниб, Ҳайдарбодда 1325, 1365 х. саналарда ва Байрутда 1983 йилларда нашр қилинган. Бироқ, кейинчалик мазкур шарҳ бир қанча тадқиқотчилар томонидан

Абуллайс ас-Самарқандийга нисбат берилган ва 1995 йили Токиода Hans Daiber томонидан нашр ҳам қилинган. Шарҳ айrim кўлёзма нусхаларида И smoil ibn Исҳоқ ал-Ҳатирийга нисбат қилинган. Бироқ, унинг Ато ibn Али ал-Жузжонийга мансублиги тўғрироқ экани ўз исботини топди (Z. Birinci, 2008:57–72). Мазкур маълумот ҳам “ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг Имоми Аъзам Абу Ҳанифага тегишли эканлигини кўшимча тасдиқлай олади.

“Ал-Фиқҳ ал-акбар” асарининг ишончли ровийлар томонидан ривоят қилинган силсиласи Turkiye Diyanet Vakfi Islam ansiklopedisi ва Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий (1296/1878–1371/1952) маълумотига кўра (Ş. Göljük, 1995:544; Абу Ҳанифа, 1949:6–7) Нусайр ibn Яхё → Ибн Муқотил → Иsom ibn Юсуф → Ҳаммод ibn Абу Ҳанифа → Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳисобланади. Санад силсиласи бир қанча кўлёзмада, шу жумладан, Мадина мунавварадаги Ориф Ҳикмат кутубхонасида сақланаётган 226-, 234- тартиб рақамли кўлёзма мажмуаси таркибида учрайди. Ровийларнинг барчasi таникли ҳанафий олимлар бўлиб, бу ҳолат асарнинг ишончлилик ва муаллифга мансублик жihatини яна бир бор қувватлайди.

Ҳаммод ibn Абу Ҳанифадан ривоят қилинган “Ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг яна бир ривоят силсиласи мавжуд. Уни Истанбулдаги “Муҳаммад Фотих” университети профессори Муҳаммад Абу Бақр Абдуллоҳ Бозиб ўзининг мазкур асарнинг саволжавобли қилиб қайта ишлаган вариантида келтириб ўтган (M. Бозиб, 2016:7). У Шайх Муҳаммад Амин Сирож (1348/1929–1442/2021) нинг шогирди бўлиб, у эса Шайхулислом Муҳаммад Зоҳид Кавсарийнинг охирги шогирдларидан ҳисобланади. Ривоят силсиласи “Саҳиҳи Бухорий”нинг “Фатҳ ал-Борий” номли энг машҳур шарҳини битган Ибн Ҳажар ал-Аскalonий (773/1372–852/1449) га етказилган. Ибн Ҳажар ал-Аскalonий эса ўзининг “ал-Мўъжам ал-муфаҳрас” асарида айнан Ҳаммод ibn Абу Ҳанифагача етган ривоят силсиласини тўлиқ келтириб ўтган (Аскalonий, 1998:269). Унда Ибн Ҳажар ал-Аскalonийдан то Ҳаммод ibn Абу Ҳанифагача 10 нафар олимнинг номи зикр қилинган.

Ровийлар силсиласидаги биринчи олим Нусайр ibn Яхё ал-Балхий (ваф. 268/882) қўлёзмаларда Наср ibn Яхё шаклида ҳам учрайди, аслида улар бир шахс ҳисобланади. У Абу Сулаймон ал-Жузжоний (ваф. 200/815) ва Муҳаммад ibn Муқотил (ваф. 248/862) шогирдларидан бўлади. Буюк мухаддис ва

МУҲОКАМА

фақиҳ Аҳмад ибн Ҳанбал (164/780–241/855) билан учрашган, илмий баҳслар олиб борган, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Саллом (ваф. 305/918) ундан ривоят олган (А. Кураший, 1993:546). Нусайр ибн Яхе буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий (256/870–333/944) нинг ҳам бевосита устозларидан бири ҳисобланади.

Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (ваф. 248/862) ҳанафий фақиҳи ва олимларидан бири. Райда қозилик қилган. Муҳаммад аш-Шайбонийнинг шогирдларидан ҳисобланади. Суфён ибн Уйайна (107/725–198/814) ва Вакеъ ибн ал-Жарроҳ (129/746–197/812) каби мухаддислардан ҳадис ривоят қилган (А. Кураший, 1993:372).

Абу Исмат Иsom ибн Юсуф ал-Балхий (ваф. 215/830) ҳанафий фақиҳлари Абу Юсуф ва Муҳаммад аш-Шайбонийнинг шогирди шогирди ҳисобланади. Суфён ас-Саврий (97/716–161/778) ва Шўъба ибн ал-Ҳажжож (82/701–160/776) каби мухаддислардан ҳадис ривоят қилган (А. Кураший, 1993:527–528).

Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа (ваф. 176/792) ўз отасидан илм олиб, фақиҳ сифатида танилган, парҳезкор олим бўлгани нақл қилинган. Кўфа ва Басрада бир муддат қози бўлган (М. Кафавий, 2019:256).

Шу тариқа, “Ал-Фиқҳ ал-акбар” асосан Балх орқали Мовароуннахрга кириб келган ва мотуридийлик таълимотига асос қилиб олинган.

НАТИЖА

Илмий изланиш натижалари шуни кўрсатадики, ҳанафийлик мазҳаби асосчиси, мужтаҳид Имоми Аъзам Абу Ҳанифа бир қанча асарларни ўзи ёзган бўлиб, улардан бири айнан “Ал-Фиқҳ ал-акбар” деб аталади.

“Ал-Фиқҳ ал-акбар” илк бор муаллифнинг ўғли Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа томонидан ривоят қилиб тарқатилган.

“Ал-Фиқҳ ал-акбар” Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг кейинчалик “Ал-Фиқҳ ал-абсат” деб аталган асаридан бошқа асардир.

“Ал-Фиқҳ ал-акбар” асрлар давомида мусулмон ўкув юртлари ва мадрасаларида калом ва ақида илмидан ўкув дарслиги сифатида хизмат қилиб келган. Бу эса асарнинг айнан мужтаҳид олимга тегишли эканлигининг бир исботидир.

Айрим шарқшунослар ва тадқиқотчилар орасида “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни Имоми Аъзам Абу Ҳанифага тегишлилиги борасида гап-сўз кўзғалиб, уларнинг баъзилари мансубликни ҳатто шубҳа остига олишга инкор қилишгача борганлар. Жумладан, A.Wensinck илк бор “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни муаллиф ўзи ёзмаган деган фикрларни илгари сурган. У “Ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг икки варианти борлигини, муаллифнинг шогирди Абу Мутеъ Ҳакам ибн Абдуллоҳ ал-Балхий (117/735–199/814) ривоятини “Ал-Фиқҳ ал-акбар” I, муаллифнинг ўғли Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа (ваф. 176/792) томонидан ривоят қилинганини эса, “Ал-Фиқҳ ал-акбар” II шаклида бериб, биринчи музаллифнинг вафотидан кейиноқ қalamга олинганини, иккинчиси эса анча кеч, тақрибан X асрларда яратилганини айтади (A. Wensinck, 1932). У “Ал-Фиқҳ ал-акбар” I дегандан ислом оламида “ал-Фиқҳ ал-абсат” номи билан шуҳрат қозонган асарни, “ал-Фиқҳ ал-акбар” II дегандада эса, бизнинг ҳозирги қўлимиздаги, асрлар давомида мадрасаларда калом бўйича ўқитилиб келинган ақидавий матнни назарда тутган. Givony Jozeph, Joseph Schacht, Brannon M. Wheeler, Ulrich Rudolph ва бошқа шарқшунослар эса, унинг фикрини тақоррлаганлар, холос (G. Jozeph, 1977:120; J.Schacht, 1986:124; B. Wheeler, 2004:8–9; У. Рудольф, 1999:20–39; У. Рудольф, 2002:25–26). Шарқ олимларидан Аҳмад Амин, Шиблӣ Нӯъмоний, Муҳаммад Абу Заҳра, Али Самий Нашибор кабиларнинг ҳам айрим эътиrozлари мавжуд (I. Çelebi, 2005:190; I. Çelebi, 2002:66; R. Altıntaş, 2002:196).

Шарқшунослар фикрига кўра, “Ал-Фиқҳ ал-акбар”да келтирилган айрим калом илмига оид мавзулар ва жавҳар (модда, материя, атом, эссенция) ёки араз (аксиденция, симптом) сингари юонон ва араб бўлмаган бошқа файласуфлар асарларидан ўтиб келган фалсафий истилоҳлар Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг даврида кенг тарқалмагани унинг муаллиф томонидан ёзилганини шубҳа остига қўярмиш. Бироқ Имоми Аъзам Абу Ҳанифани мазкур атамаларни билмаган дейиш асосли эмас. Чунки юонон ва араб бўлмаган файласуфларнинг асарларини таржима қилиш унинг замонида ҳали кенг оммавий тус олмаган бўлса-да, лекин бир қанча фалсафий асарларни тўлиқ таржима қилиш ва улар билан танишиш бошланган эди. Бу борада бир қанча алоҳида тадқиқот ишлари яратилган (А.Махмуд, 1989:311; М.Салома, 1998:108; Y.Salih, 2011:234–249).

Шу билан бирга, Ҳазрати Умар розийаллоху анху давридан бери ислом сарҳадлари фатҳлар хисобига кенгайиб борарди. Араблар ажамларнинг илми билан танишар, ислом уламолари бошқа дин олимлари билан тез-тез баҳс-мунозара қилиб туришарди. Ана шундай баҳс-мунозараларда бу хилдаги атама ва истилоҳлар ишлатилар, улардан кенг омма ҳалиқ хабардор бўлмаса ҳам, лекин ислом уламолари хабардор эдилар (Ҳ. Нурий, 2013:50). Айнан фалсафий атамалар бўлмиш “жавҳар”, “жисм” ва “араз” кабилар Имоми Аъзам Абу Ҳанифагача бўлган ислом олимлари томонидан ҳам қўлланилгани бир қанча манбалардан маълум. Жумладан, мўътазилийлар раисларидан бири Амр ибн Убайд (80/699–144/761) ҳам ўз асарларида бу атамаларни ишлатган (Адильбаев, Адильбаева, 2014:409).

Шунингдек, айрим шарқшунослар имоннинг тасдиқ ва иқрордан иборат экани, мўминларнинг маърифатда тенглиги-ю, бошқа жиҳатлардан фарқли бўлиши, мўмин кимсанинг ҳар қандай гуноҳи сабабли такfir қилинмаслиги ҳақидаги фикрларни ҳам Имоми Аъзам Абу Ҳанифага тегишли эмас, деб топишган (A.Wensinck, 1932:545).

Ақидалар мавзууси билан шуғулланувчи, “Ал-Фикҳ ал-акбар”ни батафсил шарҳ қилиган сохта салафийларнинг мутахассиси Муҳаммад ибн Абдураҳмон Ҳаммис эса, Аллоҳнинг Мусо алайҳиссаломга тил ва ҳарфлар воситасиз гапиргани, Қуръонни талаффуз қилиш масаласи, жаннатда Аллоҳни жиҳат (бирор томон) ва масоғасиз кўриш ҳақидаги мавзулар Имоми Аъзам Абу Ҳанифа давридан кейин вужудга келгани ҳақида ёзади (М. Ҳаммис, 2015:8; М. Ҳаммис, 2000:3; М. Ҳаммис, 1996:1996:142).

Шу билан бирга, Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ҳаммис Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ўғли Ҳаммод томонидан ривоят қилинган “Ал-Фикҳ ал-акбар”ни муаллифнинг энг ишончли асари деб билади. Чунки, унинг шуҳрати донг таратгани, ҳанафий уламолари ҳам, бошқа мазҳаб уламолари ҳам уни муаллифнинг асари сифатида эътироф қилганлари, муҳаккיק олимлар эса, унинг мазкур асаридан кўплаб иқтибослар келтирганлари, шу билан бирга, ундаги ақидавий масалалар Имом ат-Таҳовий қарор қилиган ақидалар мажмуига мутлақо мувофиқлиги бунга сабаб, деб кўрсатади (М. Ҳаммис, 2015:8; М. Ҳаммис, 1996:142).

Абу Жаъфар Аҳмад ат-Таҳовий (239/853–321/933) ҳанафий мазҳаби олими бўлиб, у ўзининг

“ал-Ақидат ат-Таҳовия” деган ном билан шуҳрат қозонган “Баён ас-суннат” асарида Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳамда унинг икки шогирди Абу Юсуф (113/731–182/798) ва Муҳаммад аш-Шайбоний (131/748–189/804) ақидавий қарашларини акс этирган ва буни шу асарининг ўзида алоҳида қайд килган (Таҳовий, 1910:2).

Аслини олганда, мазкур мавзулар кўтарилигани ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани унинг даврида ва ундан олдин битилган манбаларда, шу жумладан, оят ва ҳадисларда ҳам мавжудлиги “Ал-Фикҳ ал-акбар”га ушбу мавзулар ҳам киритилганини асослаб бера олади. Имоми Аъзам Абу Ҳанифага бағишланган қариб барча маноқиби асарларда у зотнинг ўз давридаги хаворижлар, мўътазилийлар, қадарийлар ва муржийлар сингари бир қанча оқимлар билан баҳслар олиб боргани бирма-бир қайд қилинган. Жумладан, имоннинг тасдиқ ва иқрордан иборат эканлиги ҳақидаги фикр Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мўътазилийлар раҳнамоларидан Жаҳм ибн Сафвон (78/696–128/746) билан учрашганида айтилган эди. Шунда у зот инсоннинг қалб билан Аллоҳни таниб қўявериши то шуни тилга олмагунча мўминликка кифоя қилмаслигини айтганлар (С. Устувоий, 2005:102). Бу маълумот эса, “Ал-Фикҳ ал-акбар” унга мансублигини ҳам тасдиқлайди.

Мўмин кишининг ҳар қандай гуноҳи сабабли коғирга чиқарилмаслиги ҳақидаги масала эса, саҳобалар давридан бери бор эди. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа бу борағаги “Ал-Фикҳ ал-акбар”да баён этилган қатъий қоидаларни эса, хаворижлар билан олиб борган бир неча баҳс-мунозаралар асослаб бергани аниқ. Қуръоннинг “маҳлук” (“яратилган”) экани ва уни талаффуз қилиш масаласи эса, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа даврида кўтарилигани борасида маноқибларда бир қанча далиллар келтирилган (С. Устувоий, 2005:135–142). Ибн Абдураҳмон ал-Ҳаммиснинг Қуръонни талаффуз қилиш масаласи Имоми Аъзам Абу Ҳанифа давридан кейин вужудга келган деган гапи нотўғри. Бу ақида Имоми Аъзам Абу Ҳанифа даврида ҳам кўтарилиган, лекин у зотнинг қатъий саъӣ-харакатлари туфайли бу масала оммавийлашмасдан ёпиқлигича қолган эди. Ибн Қутайба (213/828–276/889) “Ал-Ихтилоф фи-л-лафз” асарида у зотнинг бу ишини миннатдорлик билан эслаган (Динаварий, 1985:47–50). Мўътазилийлардан чиққан ушбу ақида сабабли Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раддия сифатида илк бор “Ал-Фикҳ ал-акбар” асарида бу масалага қайта-қайта тўхталиб ўтишга мажбур бўлганлар.

Мўъжиза, каромат ва истидрож борасидаги мавзуларни ҳам “Ал-Фиқҳ ал-акбар” ёзилган даврида оммалашмагани, тасаввуф Имоми Аъзам Абу Ҳанифадан кейин кенг тус олгани сабабли асарнинг муаллифга нисбатини шубҳага қўювчиларга раддия қилиб, буюк олимнинг зуҳд ва руҳий тарбия асосида ҳаёт кечирганини айтиш ўринлидир. Унинг даврида Жаъфари Содик (80/699–148/65) ва айни Кўфада яшаган Абу Ҳошим ас-Сўфий (ваф. 150/767) кабилар тасаввуф билан ҳаёт кечиргани маълум. У зот Жаъфари Содик билан учрашиб, сухбатлашган, умрининг охирги икки йилини тасаввуф ҳаёти билан яшаганига ишора қилиб, – لَوْ لَا سَتَّنَانِ لَهُكَ الْعَمَانُ – “Агар икки йил бўлмаганида, Нўъмон ҳалок бўларди!” деган машҳур гаплари мўъжиза, каромат ва истидрож ҳақида сўз юритишига кифоя бўлиши аниқ (R. Altintaş, 2002:197).

Умуман олганда, “Ал-Фиқҳ ал-акбар”га киритилган мавзуларнинг барчаси давр тақозоси билан баён этилганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Шу билан бирга қалом илмининг мукаммал шаклланишида Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг алоҳида хизматлари борки, буни инкор қилиб бўлмайди. Бинобарин, у ўзидан кейинги даврларда оммалашган ақидавий мавзулар бўйича анча илгари ёзиган бўлсалар, бу унинг буюк олим бўлганини тасдиқлайди, холос.

Аслида, “Ал-Фиқҳ ал-акбар” Имоми Аъзам Абу Ҳанифага тегишли эмас, деган шубҳа ўрта асрлардаёқ тарқалган эди. Унинг келибчиқишига мўътазилийлар сабабчи бўлишган. Мўътазилийлар “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни Имоми Аъзам Абу Ҳанифанини эмас, балки Абу Ҳанифа Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий деган шахсга мансуб, деб чиқишган эди. Бу борада Бурҳониддин ал-Марғиноний (511/1117–593/1197)нинг шогирди Шамс ал-аймма ал-Кардарий (559/1164–642/1244) хабар бериб. Бу мўътазилийлардан чиқкан асоссиз гап, деган ва шу пайтгача аҳли суннат ва жамоатнинг барча машойихлари “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни Имоми Аъзам Абу Ҳанифага тегишли эканлигини айтиб келишганини ёзган (Али ал-Қори, 2002:53–54). Нажмулғани Рампурий (1276/1860–1351/1932) эса “Таълим ал-имон” шарҳида бу мавзуга тўхталиб, “Ал-Фиқҳ ал-акбар” бизларгача очик-ойдин ва машҳур сандадлар билан етиб келган. Уни Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ёзганлиги аниқ. Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий ёзган деган гап эса, аниқ хато ва шармандали тухматdir”, деб қатъий таъкидлайди (Н. Рампурий, 1970:4–5).

Муфтий Азизурраҳмон Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзган китобида Шиблий Нўъмонийнинг “Сийрати Нўъмон” асаридаи “Ал-Фиқҳ ал-акбар” умуман буюк имомга тегишли эмас, деган гапига таажжубланади ва унинг асоссиз гап эканини қайд қиласди. Шу билан бирга, унинг шубҳаларига бирма-бир тўхталиб, рад этади, қониқарли жавоблар тақдим қиласди. Бироқ, Муфтий Азизурраҳмон ҳам Абу Мутеъ ал-Балхий ривоятидаги “Ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг “Ал-Фиқҳ ал-абсат” деб аталаётган асарини муаллифга тегишли деб билади. “Ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа ривоятидаги машҳур вариантини эса, Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий ёзган, деган гумонга келади (Муфтий Азизурраҳмон, 1979:360–368).

ХУЛОСА

“Абу Ҳанифа” кунясига эга Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни ёзган, деган гап қуруқ гумондан бошқа нарса эмас. Ҳанафийлар табакотига оид “ал-Жавоҳир ал-музия”да айтилишича, “Абу Ҳанифа” куняси билан танилган Мұхаммад ибн Юсуф кароматни инкор қилган (А. Кураший, 1993:412). “Ал-Фиқҳ ал-акбар”да эса: “Авлиёлар учун кароматлар ҳақдир”, деб таъкидланган. Шу биргина далилнинг ўзи ҳам “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни у ёзмаганини тасдиқлайди олади.

Мўътазилийлар “Ал-Фиқҳ ал-акбар”ни Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ёзмаган, деган гапни тарқатишининг сабаби эса, ушбу асарда улар ушбу асарда уларнинг қарашларинипучга чиқарадиган бир қанча раддия фикрлар борлигидир. Жумладан, Аллоҳнинг сифатлари ва уларнинг қадимий ва азалий деб берилиши, “муташобеҳ” деб аталган сифатларни таъвил қилмаслик масаласи, қиёматда Аллоҳни кўриш масаласи, қабр азобининг ҳақлиги, жаннат ва дўзахнинг ҳозирда ҳам мавжудлиги, авлиёларнинг каромати кабилар мўътазилийларга раддия ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мўътазилийлар мазкур китобни буюк имом, улуг мазҳаббоши томонидан уларга раддия ўлароқ ёзилмаган дейишдан тап тортишмаган.

Умуман олганда, “Ал-Фиқҳ ал-акбар” ва унинг муаллифи кимлиги борасида билдирилган эътирозларнинг қўпчилиги қуруқ шубҳа ва гумондангина иборатдир. Улар бирор-бир ишончли ва мантиқли далил-хужжатга суюнилмагани боис эътиборга арзимайди ҳам, дея оламиз. “Ал-Фиқҳ

ал-акбар” ханафий мазхаби муассиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа томонидан битилган илк ақидавий матнлардан бири хисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулқодир ал-Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музия. – Ҳажар: Дор ат-Тибоъа ва-н-нашр, 1993. Ж. 2–3.
2. Абдулқоҳир ал-Бағдодий аш-Шофеъий. Ал-Фарқ байн ал-фирак. – Қоҳира: Мактаба Ибн Сино, 1988.
3. Абдулқоҳир ал-Бағдодий аш-Шофеъий. Усул ад-дин. – Истанбул: Матбаа ад-Давла, 1928.
4. Абдулҳалим Маҳмуд. Ат-Тафкир ал-фалсафий фил-ислом. – Байрут: Мактаба ал-Маориф, 1989.
5. Абу Жаъфар ат-Таховий. Баён ас-Суннат. – Қозон: Маориф кутубхонаси, 1910.
6. Абулюср Муҳаммад ал-Паздавий. Усул ад-дин. – Қоҳира: Мактаба ал-Азҳария, 2003.
7. Адильбаев А., Адильбаева Ш. Абу Ҳанифа и ханафитский мазхаб. – Алматы: Қоқиек, 2014.
8. Али ал-Қори. Ал-Асмор ал-жания. – Патна: Ҳудобаҳш, 2002.
9. Ал-Олим ва-л-мутааллим. Ривояти Аби Муқотил ъан Аби Ҳанифа / Тахқик: Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий. – Қоҳира: Матбаа ал-Анвор, 1949.
10. Ибн ан-Надим. Ал-Феҳрист / Тахқик: Ризо Тажаддуд. – Техрон, 1971.
11. Ибн Қутайба ад-Динаварий. Ал-Иҳтилоф фил-л-лафз. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1985.
12. Ибн Ҳалликон. Вафаёт ал-аъён ва анбо аз-замон. 5-жилд. – Байрут: Дори Содир, 1994.
13. Ибн Ҳажар ал-Аскalonий. Ал-Мўъжам ал-муфаҳрас. – Байрут: Муассаса ар-Рисола, 1998.
14. Котиб Чалабий. Кашф аз-зунун. – Истанбул: “Маориф” матбааси, 1941. Ж. 1.
15. Марям Салома Кор. Ат-Таржима фи-л-асри-л-Аббосий. – Дамашк: Маншурот визора ас-сақофа, 1998.
16. Маҳмуд ал-Қафавий. Катоиб аълом ал-ахёр. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2019. Ж. 2.
17. Муфтий Азизурраҳмон. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа. Ҳолоти зиндагий, қонунсозий ўр фикҳ. – Лоҳур: Раҳмония, 1979.
18. Муҳаммад Абу Бакр Абдуллоҳ Бозиб. Табсит матн Ал-Фикҳ ал-акбар ъала тариқат ас-суол ва-л-жавоб. – Қоҳира: Дор ас-Солих, 2016.
19. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Ҳаммис. Ал-Фикҳ ал-акбар ли-л-Имом Аби Ҳанифа / Шарҳан ва диросатан, таълиф: Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Ҳаммис. – Риёз: Мактаба ар-рущд, 2015. Ж. 2.
20. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Ҳаммис. Аш-шарҳ ал-муяссыр ъала ал-фиқҳайн ал-Абсат ва-л-Ақбар ал-мансубайн ли-Аби Ҳанифа. Ажмон: Мактаба ал-Фурқон, 2000.
21. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Ҳаммис. Усул ад-дин инда ал-Имом Аби Ҳанифа. – Риёз: Дор ас-Сумайъий, 1996.
22. Нажмулғани Ромпурӣ. Таълим ал-имон. – Карочи: Оромбоғ, 1970.
23. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999.
24. Соъид ал-Устувоий ан-Найсабурий. Китоб ал-Эътиқод. Ақида марвия яън ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа. – Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмия, 2005.
25. Ульрих Рудольф. Ал-Мотуридия ва Самарқанд суннитлик илоҳиёти (Қисқартирилган нашр). – Тошкент: Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармаси, 2002.
26. Ҳаммод Ризо Нурий. Китоби Фикҳи акбар. Тахқик ва тадқиқ. – Лоҳур: Зовия, 2013.
27. Brannon M. Wheeler. Abu Hanifa // Encyclopedia of Islam and the Muslim World. Vol. I. – USA: Macmillan Reference, 2004.
28. Givony Jozeph. The Murji'a and the theological school of Abū Ḥanīfa. A historical and ideological study. – Edinburgh: University Press, 1977.
29. İlyas Çelebi. Ebû Hanîfe'nin Kelâmcılığı, İtikada Dair Risaleleri ve bunların Otantik olup olmadıkları meselesi // “İmâm-ı A’zam Ebû Hanîfe ve Düşünce Sistemi” (Sempozyum Tebliğ ve müzakereleri). Cilt II. – Bursa: Kur'an Araştırmaları Vakfı – KURAV, 2005.
30. İlyas Çelebi. Risaleleri ve İtikadî Görüşleri ile İmam-ı Azam Ebû Hanîfe // “İslâmî Araştırmalar” Dergisi. Cilt: 15. Sayı: 1–2. – Ankara: Türkiye Ekonomik ve Kültürel Dayanışma Vakfı (TEK-DAV), 2002.
31. Joseph Schacht. Abu Hanifa al-Nu'man b. Thabit // The Encyclopedia of Islam. New edition. Volume I. – Leiden: Brill, 1986.
32. Khalid Y. Salih. The Movement of Translation in Al Sham in the Umayyad Period 41-132 a.h./661-750 a.d. // College of Basic Education Researches Journal 2011, Vol. 11, Issue 1.
33. Ramazan Altıntaş. Ebû Hanîfe'nin Kelam Metodu ve “el-Fîkhî'l-Ekber” adlı Eserine Yöneltilen Bazı İtirazlar // “İslâmî Araştırmalar” Dergisi. Cilt: 15. Sayı: 1–2. – Ankara: Türkiye Ekonomik ve Kültürel Dayanışma Vakfı (TEK-DAV), 2002.
34. Şerafettin Göljük, Adil Bebek. el-Fîkhî'l-ekber // Türkiye Diyanet Vakfı Islam ansiklopedisi. 12 cilt. – Türkiye: Turkiye Diyanet Vakfı Yayınları, 1995.
35. Wensinck A.J. The Muslim Creed. Its genesis and historical development. – London: Cambridge at the University Press, 1932.
36. Züleyha Birinci. Abû Mutî' Rivâyetli el-Fîkhî'l-ekber Şerhi'nin Müellifi meselesi // M.Ü. İlâhiyat Fakültesi Dergisi. 35 (2008/2). İstanbul, 2008.

